

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Қадимдан асл ҳунармандлар, уста деҳқону соҳибкорлар, қилни қирқ ёрган тадбиркору савдогарлар манзили бўлган кўҳна Илоқ – Оҳангарон воҳаси истиқлол йиллари янги имкониятлар заминига айланди. Бу гўша нафақат сўлим табиати, муаззам қадамжолари билан, балки қуд-

ратли саноат корхоналари, жаннатмонанд боғ-роғлари билан ҳам маълуму машҳур. Бугун юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган оҳангаронликлар эл-юртнинг энг азиз, энг улуғ байрамини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР, КЎЛАМЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

САНОАТ ОДИМЛАРИ

Мустақилликнинг чорак асрлик тўйи кенг нишонланадиган йилнинг ўтган олти ойида Оҳангарондаги 5 та йирик ҳамда 194 та кичик бизнес корхоналари 732,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Ўсиш суръати 110,1 фоизга тенг бўлади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 444,2 миллиард сўмликдан ошди.

"2016 йилда Оҳангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"га 39 та лойиҳа киритилган бўлиб, шундан ярим йил давомида 20 та лойиҳа юзасидан 1 миллион 152,7 минг долларлик сармоя ўзлаштирилди. Бу 286 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

"Оҳангаронцемент" ОАЖ технологик линияларни модернизация қилиш мақсадида 520 минг долларлик инвестицияни ўзлаштирди. Тери маҳсулотлари ишлаб чиқараётган "Ҳамкор Нур Савдо" МЧЖда 30 та янги иш ўрни яратилди.

2007 йилда фаолият бошлаган мазкур корхона кунига уч мингта мол, қўй ва эчки терисини қайта ишлаб, тайёр маҳ-



сулотни республикадаги пойабзал фабрикаларига жўнатади.

– Жараён уч босқичдан иборат, – дейди корхона директори Рустам Мирзаахмедов. – Биринчи босқичда тери кимёвий ва турли тозалаш воси-

талари билан яхшилаб ювилади. Кейин ортиқча туқлардан тозаланади. Учинчи босқичда хром билан ошланади. Буюртмачи хоҳишига кўра, тайёр маҳсулотга ранг берилади.

Корхонанинг ярим тай-

ёр маҳсулоти Ҳиндистон, Хитой, Корея каби давлатларга экспорт қилинади. 2008 йили 98 минг долларлик маҳсулот четга сотилган бўлса, ўтган йили экспорт ҳажми 5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу йил эса

мазкур кўрсаткични 20 миллион долларга кўтарish белгиланган.

Мавжуд 1167 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари туман иқтисодиётининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шулар-

дан бири "Фароғат" хусусий корхонасидир. Фароғат Мўминжонова раҳбарлигида 40 нафарга яқин чевар махсус униформалар тикиш билан шуғулланади. Уларнинг 50 фоизи ёшлар.

Давоми 2-бетда. ➡

БОҒЛАРИ БОЛЛИ ФЕРМЕР

Паркент тумани, Самсарак қишлоғининг чекка ҳудудида боғлари болга тўлган фермер хўжалиги бор. "Азим ота" номидаги ушбу фермер хўжалигида ёш, ғайратли йигит Баҳодир Пўлатов раҳбарлик қилиб келмоқда. Фермернинг 15 гектар ери бўлиб, узум, олма, олхўри етиштилади. Биз фермернинг боғларида бўлганимизда ишчилар олхўри теришаётган экан.

Қишлоқ мулкдорлари

– Кўриб турган май-донларингиз лалми ерлар эди, – дейди Баҳодир Пўлатов. – Кечакундуз қилинган меҳнатларимиз эвазига мана шу боғлар барпо этилди. "Суперёр" ва "Испан" навли олхўри кўчатларини экканмиз. Ҳосили чакимас.

Баҳодирга хўжалик ишларини юритишда Ёрдамхўжа ота яқин кўмакчи. Илгари раис, агроном бўлиб ишлаган отахон ўғлига ҳар бир ишда йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Ям-яшил боғларга разм солиб қарасангиз, ишлар тартиб билан олиб бориладиганининг гувоҳи бўласиз. Дарахтлар ичига агротехник иш-

ловлар ўз вақтида берилган, ёввойи ўтлардан тозаланган. Қутиларга териб қўйилган олхўри доналарини кўриб, табиат саховатию, инсоннинг омилкорлигига қойил қоласиз.

Баҳодир билан суҳбатимиз мустақиллик йилларида фермерларга яратилган шароитлар ҳақида борди. "Ана шундай имкониятлар туфайли бугун мулкдоримиз", дейди у.

Дарҳақиқат, бундай боғ-роғларни кўриб, кўнгилдан: "Ёрни боқсанг, ер сени боқади", деган пурмаёно сўзлар ўтади.

Дониёр
ҚУРБОНХЎЖАЕВ.

Ҳар кунлик газеталарни кузатиб бораман. Юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам замонавий кўнгилочар масканлар, янги турдаги савдо марказлари ишга туширилгани ҳақидаги хабарларни ўқиб, қувонаман. Шундай кунларга етказганига шукр, дейман.

Дилдаги гаплар

ИМКОНИАТЛАР ПАЛЛАСИ

Бейхитёр ўтмишни эслайман. Бир вақтлар газеталарни варақлар экансиз, "Қишлоққа парварда келди" каби ахборотларга кўзингиз тушарди. Бу ўша даврнинг иқтисодий аҳолини ифодалаш билан бирга, фуқароларнинг турмуш тарзини ҳам аниқ-тиниқ, ошқора кўрсатиб турибди. Ўша пайтларда мен дўконда сотувчилик қилганман. Дўконларда, асосан, бир хил турдаги маҳсулотлар сотилар, баъзилари фақат талонга бериларди. Эсимда, одамлар шакар олиш учун соатлаб навбат кутишарди. Баъзида дўконга нон келмай қолса, баъзида шакар келмасди. Бунинг устига қишлоқ дўконига маҳсулотлар анча муддат кечикиб келар, шу сабаб уларнинг яроқлилик муддати ўтиб қолган бўларди.

Бугун эса бозор ва дўконларимиз турли-туман маҳсулотлар билан тўлиб, тошган. Деҳқон-

ларимиз ўзи етиштирган маҳсулотлар билан ички бозорни таъминлашдан ташқари, экспортга ҳам чиқармоқда. Бу эса мамлакатимизда ишлаб чиқариш суръатининг кескин ўсгани, маҳсулот ҳажмининг ортганини аңлатади. Бу жараёнда эса, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлатимиз томонидан берилаётган эътиборнинг салмоғи яққол намоён бўлади.

Ҳозир хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Қишлоқда иккита дўконим бор. Дўконларим ўзимизнинг маҳсулотлар билан лиқ тўла, кўзни қувнатади. Яқинда марказда янги дўконим иш бошлади. Халқим учун хизмат қилишдан бахтиёрман. Айтганча, сизга ҳам бирор нарса керак бўлса, дўконга марҳамат! Нарҳида қоқилмайсиз!

Ҳасан ХЎЖАМҚУЛОВ,
тадбиркор.

ИСТИҚЛОЛ ЎҒЛОНЛАРИ – ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Бун "Ўзбекча муш" дейдилар...

Барчамиз ёшлугимиздан эртак эшитиб катта бўлганмиз. Энг сеvimли эртагимиз "Кенжа ботир" ҳақида бўларди.



Бувимиздан қайта-қайта Кенжа ботирнинг жасоратлари ҳақида сўрайверардик. Уни ҳаётда учратишни, у билан дўстлашишни орзу қилардик...

14 август куни барчанинг кўз ўнгига Кенжа ботир афсонаси ҳақиқатга айланди. "Кенжа ботир" билан кўшилиб йиғладик. Орзуимиз амалга ошганидан, тасаввуримиздаги қаҳрамон, ўзбек

ўғлони, бутун дунёга ўзининг янги жасоратини намоён қилганидан, бу оламшумул қаҳрамонликка гувоҳ бўлганимиздан қувониб йиғладик. Бу қувонч ёшлари бокс бўйича Олимпиада чемпиони бўлган



Ҳасанбой Дўстматов тимсолида бутун халқнинг фахру гурурини ифодалади.

Кўзлари қулиб турган бу йигитчани бугун бутун дунё танийди. Унинг самимийлиги, беғубор чеҳраси ва камтаринлиги кўплаб мухлисларни ўзига ром этди. Финал жанги куни мезбон юрт вакиллари ҳам унга мухлислик қилаётганларининг гувоҳи

бўлди. "Ой бориб, ёруғ юз билан, ғолиб бўлиб қай" дея ният қилган элнинг дуолари ижобат бўлди. Халқнинг ишончини оқлаган йигитнинг кўзларидаги қувонч ёши эса ўзи билан бирга юртдошлар-

римиз кўнглини тоғдек кўтарди. Ватанпарвар боболарнинг авлоди мамлакат шаънини муносиб ҳимоя қилди. Ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун дунёга яна бир бор исботлади...

Эндигина 23 ёшни қаршилаган спортчимиз бугунги кунгача ҳавас қиларли натижаларни кўлга киритиб улгурган. 2013 йилда Жаҳон уни-

Фахр

версиадаси, 2015 йили Осиё чемпионати ғолиблиги дунё боксида янги чемпион етишиб чиқаётганидан дарак бўлди.

Олимпия ўйинларининг бокс мусобақаларида 49 килограммгача вазнли спортчилар ўртасидаги финалгача бўлган баҳсларда мексикалик Хоселито Веласкес, қозғонлиқ Биржан Жакипов, АҚШ вакили Нико Мигель Эрнандесларга қарши рингга чиққан Ҳасанбой рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Хал қилувчи финал баҳсида колумбиялик Юберхен Мартинес Ривас билан куч синашган ҳамюртимиз бу сафар ҳам тенгсиз эканини исботлади. Унинг ғалабасидан сўнг давлатимиз мадҳияси янграганида нафақат биз, балки бутун дунё: "Ўғлинг шундай бўлса-да!" дея ҳавас қилгани шубҳасиз.

Давоми 4-бетда. ➡



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан интернетдаги манзилимиз –

www.th.uz

сайтида ҳам танишиб боришингиз мумкин.



МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР, КЎЛАМЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БОЙЛИК

Туманда қишлоқ ҳўжалиги барқарор ривожланмоқда. Бугунги кунда 1250 та фермер ҳўжалигининг далаю боғларида



иш қизгин. 1997 гектар сабзавот, 600 гектар полиз, 150 гектар картошка экинлари, 1050 гектар мевали боғ ва 195 гектар тоқзорлар парваришига зўр берган боғбон соҳибдорлар бугун меҳнатлари самарасини кўришмоқда. Истеъмолчиларга пешма-пеш жўнатилаётган маҳсулотларнинг кети узилмайди.

"Мирзахмедов Равшан" хусусий фирмасига қарашли 14,5 гектар интенсив боғда айни дамда иш қизгин. 14 минг туп олмадан иборат боғ шигил ҳосиллага кирган. Лигол, голден, галана тали каби сархил нав олма-ларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Кўчатлар Польшадан келтирилган бўлиб, ҳосилдорлиги, сифати билан ажралиб туради. Ҳар бир дарахт 20 килограммгача ҳосил беради. Бундан ташқари, боғга 2 минг туп гилос кўчати ҳам экилган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти юзасидан ҳам ташкилий ишлар бошлаб юборилган. Бу йил 59 минг 400 тонна, яъни 95 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган.

Энг муҳими, сархил маҳсулотлари билан нафақат республикамиз, балки чет эл бозорларини тўкин-сочин қилаётган оҳангаронлик деҳқону боғбонларнинг турмушлари фаровон, дастурхонлари тўкин.

◀ Бошланғич 1-бетда.

ЭЪТИБОР – ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

Тумандаги битта шаҳар, тўртта шаҳарча, 83 та аҳоли пунктлари, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 49 та маҳалла йилдан-йилга

обод ва кўркам бўлиб бормоқда. 127 мингга яқин аҳолининг асосий қисми ёшлар. Давлатимизнинг ёш авлод таълим-тарбияси ва спортни ривожлантиришдаги ҳамхўрликларига жавобан туман ўқувчи-ёшлари барча соҳаларда ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Айниқса, спортсеварлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқ-



да. Жумладан, 2011 йилда 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 600 нафар бола шугулланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони мингдан ошди. Шундан 345 нафари қизлардир.

18 баҳорни қаршилаган Шунқор Абдураҳмонов 2012 йилдан бери спортнинг бокс тури билан шугулланади. Ўтган йиллар давомида Озарбайжон, Қозоғистон ва Россияда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда нуфузли ўринларни қўлга киритди. Ҳозир Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежидан ўзи танлаган спорт тури бўйича таҳсил олмоқда.

Болаликдан спортнинг жеткун-до тури билан шугулланиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, қора белбоғ 2-дан соҳиби 16 ёшли Гулшода Жумабоева бир неча бор Ўзбекистон, бир марта Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Икки марта халқаро мусобақалар ғолибига айланди.

САЛОМАТЛИК САРМОЯЛАРИ

Бугунги кунда туман марказий поликлиникаси ва бўлимлари, кўп тармоқли поликлиника, стоматология, 21 та ҚВПдаги 132 нафар шифокор, 1100 ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ўтган беш йил ичида "Илғор" ҚВП мукамал таъмирланди, "Увак" ва "Қурама" ҚВПлари янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг охирида юқумли касалликлар бўлими тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди. Қайтадан қад ростлаётган замонавий болалар бўлими байрам арафасида фойдаланишга топширилди.

Кўп тармоқли марказий поликлиника, туғруқ мажмуаси, юқумли касалликлар, реанимация, болалар ва шешилинч тиббий ёрдам бўлимлари "Саломатлик – 3" дастури асосида замонавий тиббий ас-

боб-ускуналар билан таъминланди. Энди УТТ, рентген аппарати, ЭКГ, пульсометр каби бир қатор тиббиёт асбоб-ускуналари шифокорлар оғирини енгил қилиб, беморларга тез ва аниқ тахсис қўйишга хизмат қилмоқда.



Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД,
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.

Тараддуд

Вилоятимиздаги Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиатур ташкил этилди.

ТАБИАТНИ АСРАШ ВА ЭКОТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Бетақдор табиат бағрида жойлашган ушбу боғда сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, наботот ва ҳайвонот оламнинг нодир намуналари билан танилиши учун қулай шароит яратилган.

Мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилаётган доимий эътибор юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар сафининг кенгайи-

шида муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи бошқармаси бош директори ўринбосари Эргаш Саримсоқов. – Бизнинг боғимиз Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманлари ҳудудидаги тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув ҳавзалари, экин майдонларини ўз ичига олган, бугунги кунда ички ва ташқи сайёҳлар катта қизиқиш билдираётган Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлардан биридир.

Экотуризм нафақат даромад манбаи, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, табиат неъматларини асраш ва муҳофаза қилишнинг энг самарали воситаларидан бири, соҳа ривожига оммавий ахборот воситаларининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Медиатур доирасида журналистлар мазкур миллий боғнинг мўътадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлари билан машғур бўлган 30 га яқин ҳудудларида бўлди. Соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ў.А.

МЎҲИЖИЗАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Тадбиркорлик субъектларига бўлган эътибор, янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Интилиш

Шу боис мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётди. Бунинг самараси ўларок, нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки қишлоқ ҳудудларида яшайётган ёшлар ҳам соҳада муайян ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Қибрайлик Нигора Каримова ана шундай қўли гул, чевар тадбиркорлардан.

Болалигимдан кичкинтойлар учун турфа хил либослар тикишга қизиқман, – дейди Нигора. – Биринчи устозим – онамнинг ёнларида ўтириб, тикки жараёнини диққат билан кузатардим.

Тошкент политехника касб-хунар коллежининг "Кийимларни лойihalаштириш ва моделлаштириш" бўлимида тахсил олган қизалоқ, Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқишни давом эттирди.

2014 йилда вилоят "Ка-

молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган "Ёш тадбиркор – элга мадақдор" танловида ўз ижод намуналари билан иштирок этган Нигора ғолибликни қўлга киритди. Шу йили ЮНЕСКО, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган йирик лойihalалардан бирида қатнашиб, имтиёзли кредитга эга бўлди ва "Келинчак" модалар уйини ташкил этди.

Нигора Каримова туман аҳолисига миллий ва замонавий турдаги либослар тикиш баробарида беш нафар хотин-қизни иш билан таъминлади, – дейди Ўзбекистон "Ишбилармон аёл" ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлими раиси Малика Қодирхонова.

Нигора Каримова яқинда болалар учун спорт ва кундалик услубдаги либослар туркумини яратди. Келажакда болалар либослари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш ниятида.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

МАЪРИФАТЛИ ИНСОН АДАШМАЙДИ

Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Шу йўлда изланганд, билим олдим. Орзумимга эришиш учун Тошкент Давлат педагогика университетига ўқишга кирдим. Олийгоҳни тамомлагач, фаолиятимни ўзим туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда бошладим.

Агар огоҳ сен...

Ўтган йиллар давомида кўллаб ўқувчиларни катта ҳаётга кузатдим. Улар орасида иқтидорли болаларнинг кўпчилигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо, етарли шароит бўлмагани сабабли аксариятининг истеъдоди юз очмади. Замон, ўша вақтдаги тузум бунга йўл бермади. Уларни кўрганим сари ичимдан бир нарсани узилгандек бўлаверарди. Зеро, ўқитувчи учун энг катта бахт шогирдлари камолини кўриш. Афсуски, ўша пайтларда ўқитувчи-

ларнинг кўпчилиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги мураббийлар ана шу бахтдан бебаҳра эдилар...

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олишлари, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ёшларга оид давлат сиёсати, таълим соҳасидаги кўллаб ислохотлар

самараси ўларок, бугун дунё миқёсида Ватанимиз байроғини юксакларга кўтарётган ёшлар сони ортиб бормоқда. Энди уларнинг тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Замонавий таълим муассасалари бунёд этилмоқда, мавжуд мактаблар қайта реконструкция қилиниб, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланаётди. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатиданлигини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз. Шу сабабдан, ўқувчиларимга

бу неъматларнинг қадрига етиш лозимлигини ўқираман. Ўз навбатида, кўзларида эртанги кунга ишонч балкиб турган ёшларни

кўрганимда, юртимиз келажакда буюк бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Шу билан бир қаторда ёшларимизни турли ёт ғоялардан, оммавий маданият бўҳронларидан асраш учун ўз устимизда тинимсиз изланишимиз керак. Ўқувчиларга кўп асрлик тарихимиз, бой маданий меросимиз, буюк бобокалонларимиз ҳақида сўзлаш асосида, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга

ҳаракат қилишимиз зарур.

Ёшлар эртанги куннинг эгалари. Юрт тақдири улар қўлида. Бугун фарзандларимиз нималар билан банд, қандай юмушлар билан машғул? Атрофда уларни тўғри йўлдан тойдиршига, онгини заҳарлашга шай ғоявий бузуқ кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз керак.

Маърифатли элни бўкиб бўлмайдми. Шу сабабдан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашадиган авлоднинг тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир.

Клара БЕКМУРОДОВА,
Чиноз туманидаги
43-мактаб
ўқитувчиси.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Халқ таълими вазирлиги Қибрай туманидаги 1-умумтаълим мактабидан "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусида бошланғич таълим ўқитувчиларининг вилоят форумини ташкил этди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги арафасида, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган тадбирда ўқув-тарбия самарадорлигини таъминлаш, иқтидорли ҳамда фанларни ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятига қараб сабоқ беришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бераётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, бошланғич



таълимни модернизациялаш, хусусан, чет тилларни ўрганиш тизимидаги ишларни сарҳисоб қилиш, бошланғич таълим самарадорлиги ҳамда ўқитувчилар обрў-эътиборини ошириш борасида ўзаро фикр алмашилди.

Бундай форумлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Юртимизда истиқлолнинг қутлуг 25 йиллик тўйини муносиб қутиб олишга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Шу мақсадда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётди. Ана шундай тадбирлардан бири вилоятимизнинг Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтди.

«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»ДА ҚАЙИҚЛАР ТЎЛҚИНИ


Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан "Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалиш" шиори остидаги форум доирасида каноэчилар иштирокида байроқлар паради ташкил этилди.

Мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад – энг улуғ, энг азиз байрамни юксак савияда қутиб олиш, эришилган ютуқ ва марраларни қийсий таҳлил қилиш орқали ёшларимиз онгу шуурига мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ сингдириш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришдан иборат. Шунингдек, форум доирасида

ёшлар иштирокида тарихий обида ва ёдгорликларга саёҳат, ёш рассомлар ва миллий хунармандлар кўргазмалари, таниқли кино ва спорт юлдузлари билан учрашувлар, турли спорт мусобақалари ва халқ ўйинлари ўтказилмоқда.

Таъкидланганидек, истиқлолнинг ўтган 25 йили мамлакат тарқиёти, ободлиги, жамият барқарорлиги ва юрт фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам замин яратди. Тарихан қисқа давр ичида юртимизда асрга татиғулик ўзгаришлар амалга оширилди.

Ў.А. мухбири.
Нодирбек ТОҲИРОВ
олган сурат.



МЕҲРДА МЕЪЁР ЙЎҚ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мамлакатимиз мустақиллиги тантаналарини муносиб нишонлаш, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ва ногиронларга қўмақлашиш мақсадида "Қучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" акциясини жорий этди.

Халқ депутатлари вилоят ва Бекобод шаҳар кенгаши фаол депутатлари ҳам партия кенгаши ходимлари иштирокида ана шундай акция уюштиришди. Тадбир иштирокчилари ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ва ногиронлар хонадонларига ташриф буюриб, энг азиз, энг улуғ байрам билан табриклаб, совға-саломлар улашишди.

Ў.А. мухбири.



Вилоят бўйлаб БЎСТОНЛИКДА БИР ҲАФТА

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Бўстонлик туманида "Фуқаролик жамиятининг гуманитар ва ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида журналистлар учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқаролар орасида тиббий маданиятни янада юксалтириш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Семинар доирасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг

оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ва қадриятлари соҳасидаги билимини ошириш ҳамда фавқуллодда вазиятларда қандай йўл тутиш лозимлиги борасида назарий-амалий тадбирлар ташкил этилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Ф. РАВШАНОВ.

Фахр

— Аввало, ўз Ватанимга меҳр-муҳаббатимни изҳор қилмоқчиман, — дейди Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўстматов. — Бу галабага юртимизда, биз, ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар тўғрисида эришдим. Ватаним байроғини юксакка кўтарганимдан, ҳалқим ишончини оқлаганимдан чексиз бахтиёрман. Ўзбекистондан чиқётганда мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига тўғра билан қайтиб келишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Шундай экан, бу бутун Ўзбекистонимиз галабасидир.

Ҳасанбой ботирнинг халқаро миқёсдаги галабалари энди бошланмоқда. Ҳали унинг қаҳрамонликлари тилларда дoston бўлиши шубҳасиз.

Ҳ. Дўстматовнинг катта ютуғидан руҳланган спортчиларимизнинг галабага бўлган иштиёқлари янада

ИСТИҚЛОЛ ЎҒЛОНЛАРИ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

кашлик Мухаммад Робини энгиб, финал йўлланмасига эга бўлди. 52 килограммга вазн тоифасидаги спортчимиз Шаҳобиддин Зоиров эса АҚШ вакили Антонио Варгас устидан галаба қозониб, чорак финалга чиқди.

Галабалар давом этади

Ҳалқимиз ҳали Ҳасанбой Дўстматов галабасидан масрур бўлиб юрган бир паллада, кураи замин бўйлаб оғир атлетика бўйича Олимпиада бахсларида иштирок этаётган спортчимиз Руслан Нуриддинов ҳам терма жамоамиз ҳисобига яна

бир олтин медаль кўшгани ҳақидаги хабар тарқалди:

вазни 105 кг.гача бўлган спортчилар баҳсида Жаҳон чемпиони, Бутунжаҳон Универсиадаси ғолиби — ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237 кг. оғирликни бўйсундириб, Олимпиада чемпионлигини олтин медалга сазовор бўлди.

Этиборлиси, Руслан силтаб кўтаришда Олимпиада ўйинлари рекордини янгилашга эришди.

Фаолияти давомида Жаҳон чемпионатининг Бугун мамлакатимиз матбуотининг нигоҳи Ҳасанбой ва Русланга қаратилган. Бу бошланиши, ҳали дунёни лол қолдирадиган спортчиларимиз кўплаб етишиб чиқади. Ана шунда, биз, журналистлар ҳам уларнинг қайси бирлари ҳақида ёзишни билмай, шошиб қоламиз.

Мана кўрасиз, албатта, шундай бўлади.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

олтин ва кумуш медаллари, шунингдек, икки марта Осиё чемпионлиги ва Жаҳон Универсиадаси ғолиблигига эришган Руслан Нуриддинов шода-сига энг нуфузли — Олимпиада ўйинларининг олтин медали ҳам қўшилаётган бўлди.

Галабадан сўнг байроғимизни қўчиб йиғлаётган Руслан бутун дунёга Ўзбек халқининг саломини етказди. Юртбошимизнинг: "Ҳеч нарса мамлакатни спортчилик тез дунёга машҳур қила олмайд" деган сўзларининг нақадар ҳақиқат эканини барчамиз яна бир бор юракдан ҳис қилдик.

— Бу юртим медали, ҳалқимиз тўйига соғва, — дейди Руслан Нуриддинов.



ФАРЗАНДИ КАМОЛИДА БАХТИЁРЛИК НАШИДАСИ

Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳрида бошланган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон спорт делегацияси сафида фарзанди Элмурод Тасмуродовни кўрган Зулфиқор ака Тиллаев телевизор қаршисида ўтира олмади. Ҳаяжондан туриб кетди.



— Илоҳим, курагинг ерга тегмасин! Ватанимиз байроғини баланд кўтар. Ўзбекистон ёшларининг кучини, қудратини

Элмуродни беш ёшидаёқ аввалига бир оз чинқисин, кейин боксга бераман, деган мақсадда кураш тўғрисида олиб борди. Дастлаб мактабда, сўнгра туман миқёсда муваффақият қозона бошлаган Элмурод кейинчалик мамлакат ва халқаро мусобақаларда ҳам катта натижаларга эришди.

2008 йили ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлди. Ёшлар ўртасида кўп ва Жаҳон чемпионатларида бронза медални кўлга киритди.

Шундан кейин отаси ҳам уни боксчи қилиш орсусидан кечди, ўғли юнон-рум курашида қолди.

Бугун Элмурод спорт оламининг энг нуфузли

мусобақаси — ёзги Олимпиада ўйинларининг юнон-рум кураши бўйича 59 килограмм вазн тоифасида бронза медали соҳиби!

— Элмуродбек тенгқурларига ҳар жиҳатдан ўрнатди. Янги овул қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Мусоқулов. Маҳалламизда унга ҳавас қилиб, спорт билан астойдил шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Маҳалла раиси сифатида бунинг нақадар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини жуда яхши биламан. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ишловлардан кўзланган олижаноб мақсад ҳам шу-да.

— Ўғлимнинг ҳар бир чиқишини бутун қишлоқ бизнинг уйга йиғилиб, ку-

затдик, — дейди Элмуроднинг онаси Замира опа. — Ҳовлимизга одам сиймай қолди. Элмуроджонимнинг ҳар бир муваффақиятидан кейин йиғилганлар отасини, мени алқашганида, теримга сиймайман денг, кўзларимдан дув-дув ёш оқади. Мустақиллик ёшларимизга истейдод ва салохиятини кенг намойён этиш, биз, ота-оналарга дилбандларимиз ютуғидан бахтиёр юриш бахтини берди. Мустақиллигимиз тенгшод бўлган ўғлимнинг ютуқлари давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

И. АВАЛБОВ,
ЎзА мухбири.

Мини футбол

Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ҳаваскор жамоалар ўртасида ташкил этилган мини футбол мусобақаларининг республика босқичи нихосига етди.

КУБОК СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходимлари, Ўзбекистон мини футбол федерацияси мутасаддилари ва маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида ўтган спорт беллашувларида Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари вакиллари ҳамда пойтахт жамоа-

лари ўзаро куч синашишди.

Мусобақа якунига кўра, 1-ўринни Сирдарё, 2-ўринни Наманган, 3-ўринни эса Тошкент вилояти жамоалари эгаллашди.

Тадбир сўнггида ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари тортқик этилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

ФАТХУЛЛАНИНГ ШОДА-ШОДА МЕДАЛЛАРИ УНИНГ НОМДОР ПОЛВОНЛАРДАН ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАБ ТУРИБДИ

Таэквондо

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор тўғрисида спорт билан шуғулланувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Қувонарлиси, уларнинг кўпчилиги чет эллардаги нуфузли мусобақаларда галаба қозониб, юртимиз байроғини баланд кўтариш

моқда. Зангиота туманидаги 33-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фатхулла Зиёев шундай мохир спортчилардан.

Мана, бир неча йилдики, у тенгқурлари қатори мураббий Баҳодир Саидвалиевдан таэквондо сирларини кунт билан ўрганиб, ўз устидан тинимсиз ишламоқда. Натижада, бугунги кунга келиб, ёш спортчи 8 карра Ўзбекистон чемпио-

ни, 20 дан ортиқ медаллар эгаси бўлди. Қатор диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Яқинда Фатхулла Италиянинг Венеция шаҳрида 13-14 ёшлилар ўртасида ўтказилган чемпионатда иштирок этди. У таэквондонинг тил йўналишида иккинчи, спаринг бўйича биринчи ўринни эгаллаб, олтин ва кумуш медаллар совриндори бўлди.

— Давлатимизнинг бизларга кўрсатган ғамхўрлиги муваффақиятларимизнинг бош омилли деб биламан, — дейди Ф. Зиёев. — Чет элда бўлганимда бунинг янада чуқурроқ ҳис этдим ва шундай юртда туғилганимдан фахрландим. Бундан буён ҳам нуфузли мусобақаларда юртим шаънини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

Нозима АРСЛОНОВА.

аччиқ-тизчиқ кунларини кўрмади, эсини таниб, илк жумлалар тузиб, иншо битганида: "Ўзбекистон — Ватаним менинг" дея ёзди. Мустақиллик шарофати билан янги ташкил этилган лицейда таҳсил кўрди, истиқлол меъмори ташаббусига кўра очил-

жоним-жаҳоним Ватан", деб улғайди. Дилбархон онанинг эрка дилбанди юртининг синови кунларида "Лаббай!" дея оладиган шахду шиддат, ақлу заковат эгаси бўлди.

Лейтенантдан подполковник даражасига кўра бўлган йўлни шараф би-

қўллари чаккасига тираб: "Ўзбекистон Республикасига хизмат қилман!" деб қўтиб олишди. Назаримда, ҳарбий бўлишди-ёв.

Баҳодир сўзлар экан, оиласи, фарзандлари, Қуйи Чирчиқда, Беруний номидаги жамоа ҳўжалигида ўтган бегубор болалигини ёдга олди...

...огоҳлантиради!

Фавқулодда ҳолатга тушганда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида сўраганимизда эса, баъзи пайтларда ноўрин ҳаракат қилгандан кўра, ҳаракатсиз турган инсон беҳавотирроқ бўлишини тушунтирди. Қаранг, ҳаётнинг қандай гўзал мантиқи, ҳикмат-хулосалари бор-а?..

Ҳа, ноўрин гапирмаслик, ноўрин жойда турмаслик, сўзни ноўрин исроф қилмаслик, пировардида, фавқулодда вазиятларда сиз-у бизни асрайдигина эмас, ўша ҳолат содир бўлмаслигини ҳам таъминлар экан. Бу ҳақда вилот фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходими, алоқа ва хабар бериш бўлими бошлиги, подполковник Баҳодир Жўраев огоҳлантиради...

Баҳодир Жўраев,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.



Фазода ҳам озиқ-овқат муаммоси

Халқаро космик станцияга сабзавотлар еттиштириш мақсадида янги "Lada-2" оранжереяси юборилди.



Жорий йилнинг кузига космик экспедицияга йўл оладиган космонавтлар — Сергей Рижиков ва Андрей Борисенко янги оранжерея билан ишлаш бўйича ўқитилди. Айнан улар космосда ўсимлик етиштиришнинг Россияга хос тажрибаларини қайта йўлга қўйишлари керак

бўлади. Хабар беришларича, космик станция бортидаги янги оранжереяда, дастлаб, ширин қалампирнинг пастак нави етиштирилди. "Космосда шу пайтгача тановулга яроқли сабзавот етиштирилмаган, шунинг учун ушбу тажриба инновацион, деб ҳисобланмоқда. Кейинчалик оранжереяда бугдой етиштирилади", дея маълум қилди "Роскосмос". Халқаро космик станцияга оранжереяни 2016 йилнинг охири ёки 2017 йилнинг бошида етказиб бериш режалаштирилган.

Митти гидроэлектрстанция

Епонад компанияси ихчам зарядлаш қурилмасини намойиш этди. Мазкур қурилма ариқ ёки кичик дарёларнинг сув оқими кучини электр энергиясига айлантира олади.

Ихчам гидроэлектрстанция 6400 мА соатлик батарея билан жиҳозланган. Унинг генератори 2,5-5 Вт энергия бера олади. Ишланма сувдан ҳимояловчи ташки қобик билан жиҳозланган. Бундай жиҳозлар қурилмага бир метр ва ундан чуқурроқ ҳавзада узок вақт ишлаш имконини беради. У ўз батареясини 4,5 соатда тўлиқ қувватлаб бўлади.

Унинг конструкцияси



қисмларга бўлинади. Бундан ташқари, гаджетларни қувватлаш учун USB-портлар ҳам ёддан кўтарилмаган. Хуллас, энди далаининг ўзида, ариққа ёнбошлаганча мобил телефонингизни қувват олдиришингиз мумкин.

Интернет хабарлари асосида
С. Ўрмонжонов тайёрлади.

Моҳият «БЕЛИ ЧИҚИБ КЕТАДИ»

Бу ибора кишининг бир меъёрида ўтаётган ҳаётининг салбий томонига ўзгариши, ишининг чаппасидан кетиши, ҳўз тегиши, омадининг юз ўтиришини ифода қилади. Қўл орасида "бели синди, бели узилди" иборалари ҳам ишлатилади. Киши ўз қувватидан ортиқча юкни кўтарса, бели синида. Бирор қулфат, мажбурият тўғрисида катта чиқимдор бўлиб қолган кишининг ҳам "бели чиқиб кетган" ҳисобланади. Ибора одатда, хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий ўз имкониятидан ортиқ даражада тўй-хашам, зиёфат бериб, оқибатда катта қарзга ботиб, қора қозонини сувга ташлаб қўйган кимсаларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

Йўл

1981 йил. Қуйи Чирчиқ. Ўшанда... вилот ички ишлар бошқармаси ходими Боймирза Жўраев ишдан оиласи бағрига қайтаётган эди. Хомилалар рафиқаси ва фарзандлари оталарини интиқлик билан кутишарди. Ширин хаёллар оғушида кетаётганда автоҳалокат содир бўлиб, тажрибали зобит тақдир зарбаси қурбонига айланди. Ўйда эса Дилбархон ҳеч нарсадан беҳабар, йўл қараганча болаларини овуларди: "Ҳализамон дадаларинг келади..."

Орадан уч ой ўтди. Қисматга бўйсуниб яшаётган бу хонадонда яна бир фарзанд дунёга келди! Боймирза отанинг кенжаси бўлиб туғилган бу полвонига чамалоққа Баҳодир дея исм қўйишди. Ҳа, у туғилганидаёқ Баҳодир бўлди, зиммасига туша-жақ шарафли юмуш ҳов ўшанда, турмуш ўртоғидан айрилган Дилбархоннинг бир олам орзу-ният-



ла қўйган исмидаёқ зуҳур топанг эди, гўё.

Баҳодир улғайди, она-изори, жигарларининг эркаси, элнинг нурийдиса бўлиб, кўпнинг кифтида, меҳрининг тафтида ўсди. Ёлғиз она фарзандини ҳеч бир жиҳатдан камситмади, ўқитди, яхши тарбия берди. Касб танлаш вақти келганида эса Баҳодирнинг ҳам, она-изорининг ҳам қарори қатъий эди — ота изидан бориш! Шу тариқа, у

дастлаб ҳарбий мактаб-интернетда, сўнгра ҳарбий лицейда таҳсил олди. Лицейни тамомлагач, Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кирди.

Этибор қилган бўлсангиз, Баҳодирнинг умр йўли мустақиллик эпкинлари ва шу йилларда изчиллик билан амалга оширилган таълим ишловлари жараёни билан узвий боғланиб кетади. У мустабид тузумнинг

ган нуфузли университетда олий таълим олди...

Ўрнатилмаган "алоқа"

Шундай қилиб, ўқишни тамомлаб, ҳарбий алоқа-чи ихтисослиги бўйича диплом ва лейтенант унвонини олди. Тегишли тавсия билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ишга юборилди. Ёш ходим Хоразм, Наманган, Сирдарё вилоятларида ишлади. Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг алоқа ва хабар бериш бўлимини бошқарди.

Ҳа, Баҳодир бир йилгит орзу қилгудек йўлни босиб ўтди, ёрдамга муҳтожларга елка тутадиган мард ўғлон бўлиб воғла етди! У ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмади, навқиронлик, йиғитлик кучини илм олишга, она Ватан йўлида хизмат қилишга сарфлади! "Имомим Ватан, хонумим,

лан босиб ўтган Баҳодир Жўраев билан вилот фавқулодда вазиятлар бошқармасидаги хонасида суҳбатлашиб ўтириб, китмир гап ташлаймиз:

— Ёшиқдан алоқачиликка қизиққан экансиз, қизлар билан ҳам "ахборот алмашиш техникаси"ни яхши ўзлаштиргандирсиз...

Суҳбатимиз жонли, қизиқarli чиксин, деган ниятда гап олишга қанча уринмайлик, фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни пухта ўзлаштирган бу йиғитни "илин-тиролмадик".

— Бу масалада онам мени "қутқарганлар", — дейди дилқашлик билан суҳбатдошимиз. — Маҳаллаимиздан бир қизни кўз остига олиб қўйган эканлар. Қарасам, ўша — болалиқдан кўз ўнгимда улғайган Ферузахонда! Хуллас, ўшандан бери бир-гамиз, икки нафар фарзандимиз бор. Ўғилларим ишдан боришим ҳамона



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Махсуслими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Фарҳод ТОЛИПОВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ